Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 14 май, чоршанба • № 38 (10.916) • Эркин нархда сотилади

САФАРДАН — САБОҚ, ФИКРДАН — ХУЛОСА

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президентининг Сурхондарё вилоятига қилган сафари давомида айтган фикр мулоҳазаларини эшитиб, марҳум уста деҳқон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Насриддин Муҳиддиновнинг қуйидаги сўзлари эсимга тушди. У киши: ер экиннинг отаси, уруғ унинг онаси, билиб қўйки, ўртасидан битта ариқ ўтган экин майдонининг ҳам тупроғида фарқ бўлади, агар ернинг тилини билиб ишласанг, уруғини саралаб, тўғри танлаб эксанг, хирмонинг баракали бўлаверади, дердилар.

Негаки, Республика раҳбари андижонча усулда пахта етиштирилаётган майдонларни кўздан кечириб, деҳқонлар билан суҳбатлашар экан, айнан шу масалага эътиборни қаратди. Ўзининг афзаллигини тажрибада исботлаган бу усулни ҳар бир вилоят, туман, керак бўлса, хўжалик ўз ерига, шароитига мослаб қўлланиши керак, деган мулоҳаза билдирилди.

Нақадар тўғри гап. Бу йил Тошкент вилоятида 108 минг гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Бунинг 12 минг гектарида плёнка остига чигит экилди. Туманларда, хўжаликларда бўлганимизда раҳбарлар, мутахассислар, деҳқонлар янгилик тўғрисида турли фикрларни, таклифларни билдирдилар. Масалан, Чиноз туманидаги «Йўлтушган» жамоа хўжалиги деҳқонлари сеялкани чигитни аниқ ташлайдиган қилиб мосласа бўлмасмикан, деган фикрни айтишди. Шунга ўхшаш таклифларни бошқа жойларда ҳам эшитдик. Демак, вилоятимизда бу йил қўлланила бошланган тажрибани синчиклаб таҳлил этиш, хулоса чиқариш ва такомиллаштириш керак бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар ҳолда, кўр-кўрона, таваккал ишлашдан эндиликда изланиш йўлига ўтиш лозим.

Ушбу ташриф давомида кўтарилган яна бир муҳим масала уруғчилик муаммоси бўлди. Ҳақиқатан ҳам, республикамизда биринчи ёки иккинчи йили ғалла экилаётгани йўқ. Аммо, ҳалигача айрим туман ва хўжаликлар шароитига мос, юқори ҳосил берадиган экин навларини, хусусан, ғаллани танлаб улгурмадилар. Ҳамон четдан уруғ олиб келишга, боз устига икки-уч баробар қиммат нархда, мойиллик кучли. Бу мутлақо нотўғри йўл. Тошкент вилоятида 1996 йилдан бошлаб бу ишга жиддий киришилди. Ҳозир туманларда 20 та уруғчилик хўжаликлари ташкил этилди. Ўйлаймизки, бундай ишлар пахтачиликда ҳам қатъий йўлга қўйилади.

АКС САДО

Ҳаммамиз Президентимизнинг мустақилликни қўлга киритган кунимизданоқ Ўзбекистон заминидек унумдор тупроқ, халқимиздек меҳнаткаш халқ дунёнинг бирон ерида йўқ, деган гапларини эшитамиз. Бу сўзлар Сурхондарёда яна бир бор такрорланди. Бу шунчаки айтилган гап эмас. Аксинча, унинг тагида чуқур мазмун ва маъно бор. Энг муҳими мамлакат раҳбарияти, шахсан Президент ана шу замин эгаларини шакллантириш, уларнинг ҳаётини фаровон қилиш, унумли ишлашлари учун бутун имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қилишмоқда. 1997 йил — инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Ўтган 4 ой мобайнида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилашга қаратилган 3 та йирик фармон ва қарор қабул этилди.

Яна бир гап. Мамлакатимизда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган тинчлик, осойишталик, хотиржамлик барқарор бўлиб турибди. «Бунинг қадрига етмоқ, мустақиллигимизнинг равнақи ҳақида жон куйдирмоғимиз керак, — дейди Паркент туманидаги «Заркент» жамоа хўжалигига 38 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Тожибой ака Ризаев. — Биз кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб беришимиз лозим. Ана шунда эзгу ниятларимиз тезроқ рўёбга чиқади...

Республикамиз раҳбари чегара масканларининг бирида зобит ва аскарлар билан бўлиб ўтган суҳбат давомида бир иборани алоҳида тилга олиб ўтдилар. Бу — масъулият, жавобгарлик ҳисси!.. «Бунинг учун эса ҳар биримиз — у хоҳ раҳбар, хоҳ оддий ишчи бўлсин, ўз иш жойида вазифасини ҳолисона,масъулият ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда бажармоғимиз лозим», — деди Президент. Бу сўзларга қўшимча қилиш қийин. Зеро, юқоридаги вазифаларни уддалаш, бажариш учун ҳар биримизда ватанпарварлик, юртпарварлик туйғуси мужассам бўлмоғи даркор.

Сафар давомида бўлиб ўтган учрашувлар, билдирилган мулоҳазалардан яна шу нарса кўриндики, биз — матбуот ходимлари кўп ҳолларда янгиликларни фақат таъкидлаш билан чегараланиб қолмоқдамиз. Ваҳоланки, билдирилган фикрларни матбуот кўзи билан кўриб, таҳлил этиб, ўз хулосаларимизни, керак бўлса, камчилик ва нуқсонларни очиб беришимиз зарур эди. Ҳар ҳолда матбуотнинг асосий вазифаси ҳам ана шундадир.

...Ғалламиз бошоқлади, пахтамиз бўй кўрсатди. Эрта-индин хирмонга дон тушади, «оқ олтин» тўкилади. Демак, юрт дастурхонига қут-барака киради. Ислоҳотлар меваси бўлган «Ўзбекистон» тамғаси туширилган ва дунёнинг турли бурчакларига йўл олаётган маҳсулотлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бундан фахрланмасдан бўлмас! Айни вақтда, бир нарса аниқ. Эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни равнақ топтириш йўлида янада изланиб, ташаббус кўрсатиб, хотиржамликда ишлашимиз керак. Сурхондарё сафари берган энг катта сабоқ ва хулоса шунда бўлса, ажаб эмас!..

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

АШГАБАД УЧРАШУВИ:

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЎЗЛАБ

НИМАИКИ халқлар, мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилса, Ўзбекистон унга астойдил хайрихоҳлик билдириб, қўллаб-қувватлаб келмоқда. Зотан, мустақилликка эришган юрт ва халқ манфаати, олға томон жадал тараққиёт талаблари шуни тақозо этади. Ўзбекистоннинг Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлишдан мақсади ҳам шу эди. Бу ташкилотга юртимиз 1992 йил февраль ойида қабул қилинган. Бундан 20 йил муқаддам Покистон, Эрон ва Туркия томонидан таъсис этилган мазкур ташкилот доирасида ҳозир 10 та давлат ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Кейинги йилларда Афғонистон, Озарбайжон ва Марказий Осиё республикаларининг ЭКОга аъзо бўлганлиги ташкилот мавқеини анча оширди. Бу мамлакатлар иқтисодий муносабатларни иложи борича кенгайтириш йўлларини изламоқдалар.

Бундан бир йил муқаддам Машҳад — Сарахс — Тажан темир йўли қурилиб фойдаланишга топширилганлиги ЭКОга аъзо мамлакатлар ҳаётида муҳим воқеа бўлганди. Чунки бу иншоот Осиё мамлакатларининг Оврупога бориш йўлини анча қисқартирди.

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида яна бир қатор лойиҳалар ишланмоқда. Уларни ҳаётга татбиқ этиш мазкур мамлакатлар куч ва имкониятларини бирлаштиришни, яқдилликни талаб қилади. Шу мақсадда кечаги мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарлари навбатдаги бешинчи учрашувни ўтказиш учун Туркманистон пойтахти Ашгабадга тўпландилар. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам бу ерга келди. Давлат раҳбарларининг учрашувида мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш муҳимлиги яна бир бор таъкидланди. Бу муаммолар орасида табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, қулай коммуникация тармоқларини барпо этиш муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари олдида Покистонга газ элтувчи қувур қурилиши лойиҳасини амалга ошириш вазифаси турипти. Узунлиги 1403 километр бўлган мазкур газ қувури ишга тушгач, Марказий Осиё табиий бойликларидан бошқа мамлакатлар ҳам баҳраманд бўлур эди. Қувурни Туркманистон, Афғонистон орқали Покистонга олиб бориш мўлжалланмоқда. Газ узатиш қуввати йилига 20 миллиард куб метрга етадиган бу қувурдан давлатлар биргаликда фойдаланишлари мумкин. Бу ва шунга ўхшаш катта лойиҳалар, транспорт йўлларини яхшилаш муаммолари, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир бошқа масалалар Ашгабад учрашуви қатнашчилари муҳокамасига қўйилди. Учрашув якунлари ҳақида газетхонларга кейинги сонларда муфассал хабар берилади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Тошкент давлат юридик институтида инсон ҳуқуқлари бўйича доимий курс иш бошлади. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё билан алоқалари бюроси курсни ташкил этиш ташаббускори бўлди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё билан алоқалари бюроси бошлиғи Алоис Резник, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари Миллий маркази директори, профессор А. Саидов, Бирмингем университети (Буюк Британия) инсон ҳуқуқлари маркази директори Ж. Мақбрайд курс тингловчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва республикамиз ҳукумати сўнгги пайтда инсон ҳуқуқлари масалаларига жиддий эътибор бермоқда. Чунки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конституциянинг асосий қоидаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тузумини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсадидир.

(ЎзА).



ЧИРЧИҚ шаҳридаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга, жорий этилган янги технологиялар самарадорлигини тобора юксалтиришга катта аҳамият берилмоқда. Суратларда: (ўнгда) комбинатнинг лампочка цехи илғорлари Екатерина Гусева ҳамда Галина Резинковалар иш устида; спираллар ўровчи Лайло Абдуллаева ҳамда созловчи Валерий Зеленовларнинг (чапдаги сурат) сифатли маҳсулот тайёрлашда ҳиссалари катта.

Владимир Гранкин олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

РАНГО РАНГ ПОЁНДОЗЛАР

Ҳар полосларки, минг хил рангда жилваланиб, кўрган кўзни ўйнатади. Буларнинг барчаси Олмиқдаги «Тафтинг» ҳиссадорлик жамиятида тўқилган.

— Корхонамиз цехларига «Пикеринг» инглиз фирмасининг кучли ускуналари ўрнатилган. Бироқ, таассуфки, кейинги йилларда хомашё етмаётганлиги сабабли корхона тўла қувват билан ишлайолмай қолди, — дейди «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ниғматжон Деҳқонов. — Ўзбекистонда синтетик ип калавалари кам. Хўш, шундай шароитда нима қилишимиз керак? Излана-излана ишни тўғрилашнинг йўлини топдик. Ўзбекистон ҳукумати вакилларининг яқинда Украинага расмий сафари чоғида тузилган ўзаро фойдали битимлар ишимизни анча осонлаштирди. Буни қарангки, биз излаган ип Киевда кўп экан. «Украгрообъединение»лик инвесторлар корхонамизни полипропилен ва полиамид калавалари билан етарли миқдорда таъминлашни ўз зиммаларига олишди.

Шундай қилиб, «Тафтинг» корхонаси йилнинг иккинчи ярмидан тўла қувват билан ишлай бошлайди. Ранги кўзларни қувнатадиган жилвасуратли полос ва поёндозларга харидор бўладиган кишилар уни тез кунлар ичида корхонанинг Тошкент, Фарғона, Марғилон шаҳарларида очилган, шунингдек, бошқа дўконлардан бемалол сотиб олишлари мумкин.

Раҳим ҚОДИРОВ.

МАҲСУЛОТ ТУРИ ЮЗТАДАН ОШДИ

АНГРЕНДАГИ бу корхона ноёблиги билан ажралиб туради. Унинг технологияси замонавий бўлиши билан бирга ишлаб чиқараётган маҳсулоти республикамиз учунгина эмас, қатор хорижий мамлакатлар учун ҳам ниҳоятда зарурдир. У Ўрта Осиёда турли хил картон идишлари тайёрловчи ягона корхона ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маҳсулотларига эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

«Саноаткартонсавдо» ҳиссадорлик жамиятига айланган корхона жамоаси бозор талабини ўрганиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ўзлаштирмоқда. Бунинг учун янги цехлар барпо этилаяпти, замонавий технологик линиялар ва асбоб-ускуналар ишга тушириляпти. Жорий йилнинг бошидан бери қатор маҳсулот турларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Ихчам, кўркам, турли суратлар билан безатилган мўъжаз картон идишлар кўриниши билан ҳам харидор диққатини ўзига жалб қилади. Шундай қилиб, корхонада тайёрланаётган қалин қоғоз идишлари хили юзтадан ошиб кетди. Улар енгил, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларига етказиб берилмоқда.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИЛДИ

АҲОЛИНИ ижтимоий ҳимоялашда маҳаллалар мавқеи тобора ортиб бормоқда. Хусусан, Қибрай туманида ўнта маҳалла халқ банкида ўз ҳисоб рақамини очди.

Мирзаназар Ғоипов, Азим Расулметов, Абдужаббор Рауфхўжаев, Эргаш Ҳайитбоев, Исомиддин Эргашевлар раислик қилаётган маҳалла қўмиталари ўз жамғармаларидан кам таъминланганлар, ногиронларни моддий қўллаб-қувватлашда кенг фойдаланмоқдалар.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

Бу сонда:

ИНСОН АЗИЗ, ИНСОН ТАБАРРУК
2-БЕТ

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛМАГАН ЙИГИТ...
3-БЕТ

ПОЛВОНЛАР ПАРКЕНТДА УЧРАШДИЛАР
4-БЕТ

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Мамлакатимизда 1997 йилнинг иккинчи ярми учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Ҳар ким хоҳлаган нашрига ёзилиши мумкин, албатта. Аммо шуни эслатиб ўтмоқчимизки:

— пойтахт Тошкент вилояти, мустақил Ўзбекистонимиз ҳамда дунё ҳаётига оид энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар билан танишай десангиз:

— иқтисодий ислоҳотларнинг боришидан хабардор бўлай десангиз:

— маънавият, маданият, спорт янгиликлари, табиат ва инсон муаммолари сизни қизиқтирса:

— саломатликни мустаҳкамлаш, пазандаликка доир маслаҳатлар, турфа олам янгиликларини ўқиш истаги бўлса:

— йил охиригача газетани мунтазам олай десангиз

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА

ОБУНА БЎЛИНГ

Обунани барча алоқа бўлимлари орқали расмийлаштириш мумкин.

Газетамизнинг нашр кўрсаткичи: 64672.

Олий Мажлис сессиясидан кейинги ўйлар

ИНСОН АЗИЗ, ИНСОН ТАБАРРУК

ОЛИЙ Мажлисимизнинг яқинда бўлиб ўтган сессияси одамлар қалбида ҳамон ўзгача садо бермоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларнинг кўрилганлиги ва бу борадаги қонуннинг қабул этилганлиги бутун жаҳон, нуфузли халқаро ташкилотлар, қолаверса, Ўзбекистондаги барча фуқаролар наздида катта аҳамият касб этди.

Шундай бўлиши табиий эди. Чунки, атиги бир неча йил муқаддам инсон ҳуқуқлари тўғрисида гап очишнинг ўзиёқ ўта шаккоклик, бориб турган гўстоҳлик, қисқаси, гуноҳи азим ҳисобланарди. Зеро, оқ ва қизил империяларнинг бир асрдан зиёд мустабидлик даврида ўзга миллат вакиллари ана шундай таҳқирга маҳкум бўлган эди. Қанчадан-қанча «ҳуқуқ излаганлар» қириб ташландилар, сургун қилиндилар, маънавий маҳв этилдилар.

Шукрлар бўлсинким, «инсон ҳуқуқи», «одам манфаати», «умумбашарий тамойил», «иззат-нафс», «фуқаро қадр-қиймати» деган ибораларни баралла айтадиган вақтларга етиб келдик. Бу буюк неъматга биз мамлакатимиз мустақил бўлгандан кейингина мушарраф бўлдик. Инсон ҳуқуқларининг тўлатўкис таъмин этилишига эришиш демократик жамият қураётган давлатимизнинг олий мақсадига айланди. Республикамиз раҳбарияти мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидан боришини бутун жаҳонга маълум қилди. «Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда, — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов, — инсон манфаатлари устивор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт».

Бугун Ўзбекистон турли халқаро маҳкамаларга аъзо бўлиши баробаринда инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган кўплаб халқаро ҳуқуқий меёрларни амалга ошириш мажбуриятини олган. Шу боис, сессияда олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганлиги, Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари вакилининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланганлиги халқаро майдонда Ўзбекистон обрўсини яна бир поғона юқори кўтарди. Айни ҳужжатлар юртбошимиз даъватини амалга ошириш йўлида қўйилган хайрли қадамлардан бири бўлди.

Инсон ҳуқуқлари ўзи нималардан иборат? Бу саволга жавоб бериш учун қайтадан «велосипед кашф этиш» шарт эмас. 1948 йилнинг 10 декабри куни БМТ Бош Ассамблеясида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» қабул қилинганидан буён мазкур муаммога тегишли тамойиллар-га нисбатан эътибор ҳеч қачон сусайгани йўқ.

Бу борада турли тафаккага мансуб фуқароларимизнинг фикр-мулоҳазалари қандай? Тезкор мулоқотларда айтилган гаплар қуйидагича бўлди:

Фалсафа фанлари доктори, профессор Элбек Каримов:

— Эндиликда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назорати ўрнатилади. Бу жаҳон давлатлари фаолиятидаги мезонларга мосдир. Унинг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир киши учун очиқликдир.

Шоир Сайёр Пўлат:

— Одамларимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги онгини, адлиявий саводни оширишимиз лозим. Ҳали фуқароларимиз бу борадаги ўз ҳақ-ҳуқуқларини унчалик яхши тушунмайдилар. Оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио, ойнаи жаҳон бу вазифаларни адо этишда алоҳида саъй-ҳаракатлар кўрсатмоғи айни муддао бўлар эди.

Олмалиқ шаҳар суди аъзоси Ўктам Каримов:

— Ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятлари одатан судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиларди. Бундай ҳолат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зиддир. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Худди шундай. Давлат, жамият, шахс тушунчалари мантиқий нуқтаи назардан бир-бири билан узвий боғлиқдир. Зеро, жамият ва шахс манфаатларини давлат ҳимоя қилгани каби жамият ва шахс ҳам давлат манфаатларини ифодалайди. Айни маънода 1997 йил — инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганлиги рамзий аҳамиятга моликдир. Бугина эмас, Ўзбекистон мустақил бўлган дастлабки кунлардан бошлабоқ жамият ва шахс манфаатлари давлат томонидан қатъиятлик билан муҳофаза қилинаётир. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёни, аҳолининг кам таъминланган қатламининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, соғлом авлод келажаги, одамларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, маориф, таълим-тарбияга оид талбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Ўтган ҳафтада республикамизга ташриф буюрган ИСталия Президенти Оскар Луижи Скалфаро жаноби олийларининг эътирофи ҳам ажиб бўлди. У Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқаролар ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлагани ва муҳим иқтисодий ютуқларга эришаётгани барқарорлик туфайли эканлигини алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик таянчи эканлигига ишонч билдирди.

— Муболағасиз айтиш мумкинки, — дейди чирчиқлик Людмила Степановна Ковалёва, — бизнинг республикамиз инсон ҳуқуқлари ижобий ҳал этилаётган давлатлар сирасига киради. Айтайлик, менинг ўзим рус қизиман. Ўзбекистон заминида туғилиб ўсдим. Қирқ йил алоқа тармоқларида ишладим. Эрим Виктор Иванович илмий ходим, ўғлим Дмитрий конструкторлик бюроси ишчиси. Қизим Ирина шаҳар алоқа идорасида бўлим бошлиғи. Илм олиш, меҳнат қилиш, тиббий ёрдам, нафақадорлик, эркин яшаш, манзилгоҳга эгалик қилиш каби барча ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланяпмиз. Инсонга яна нима керак?...

...Бобомиз Амир Темур даврида умргузаронлик қилган кишилардан бири шундай деган экан: «Ўз юртимда оддий фуқаромен, ва лек, шохмен». Ўрнакли гап. Юқоридаги ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазалари ҳам инсон бахт-саодати, эркинлиги, шодҳуррамлиги, яшаш тарзи, қадр-қийматига даҳлдор ҳидоятларнинг эндиликда Ўзбекистонимизда том маънода барқарор бўлаётганлигидан далолат бериб турипти. Улар халқ вакиллари. Хулоса қилиш мумкин: халқ баҳоси — энг олий баҳодир!..

Раҳимберди УМАРОВ.

Диққат янгилик!

ТАЖРИБАДАН — АМАЛИЙ ИШГА

ВИЛОЯТИМИЗДА иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга ошиб бормоқда. Худди шундай ўзгаришларни «Тошвилоятюктранс» концернининг Чирчиқ шаҳридаги 2-акционерлик автокорхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда яқинда яна бир янгилик амалга оширилди. Автокорхона қошида «хусусий машиналарда юк ва йўловчи ташувчиларнинг уюшмаси» ташкил этилди. Шаҳар ҳокимлиги Чирчиқ бозорига яқин бўлган жойдан уюшма учун кенг майдон ажратиб берди.

Биз яқинда «Карвонсарой» деб номланган ушбу майдонда уюшма раҳбари А. ТОШИМБЕТОВга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Амиржон Тошимбетович, уюшмангизнинг пайдо бўлиши ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу ишни бемалол мамлакатимиз автотранспорти тизимидаги ислоҳотларнинг давоми, дейиш мумкин. 1995 йил 15 декабрида Республика Вазирлар Маҳкамаси хусусий машиналарда юк ва йўловчилар ташийдиганлар учун тажриба сифатида Чирчиқдаги 2-акционерлик автокорхонаси қошида сервис хизмати кўрсатиш режаларини тасдиқлаган эди. Ўтган йил апрелида «Хусусий машиналарда юк ва йўловчилар ташиш уюшмаси» шаҳар ҳокимлиги, истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси, солиқ нозирлиги томонидан рўйхатга олиниб, давлат корхоналари ҳамда ташкилотлар тизимида қайд этилди. Ўзининг мустақил ҳисоб рақамига эга бўлган уюшмада ҳозирча 3 нафар лавозим белгиланди. Бу шахслар «Узавтотранс» корпорацияси, «Тошвилюктранс» концерни ва 2-акционерлик автокорхонаси раҳбариятлари ёрдамида фаолият юритишяпти.

— Уюшмага аъзо бўлиш ҳамда хизмат кўрсатиш қай тарзда йўлга қўйилган?

— Уюшмани ташкил этиш ташаббуси бошлангандан кейин унинг Низомини ишлаб чиқдик. Унда ташкилотнинг таъсисчилари ва биринчи иштирокчилар Чирчиқдаги 2-акционерлик автокорхонаси ҳайдовчилари эканлиги таъкидланди. Бу бежиз эмас. Зеро, уюшмага биринчи бўлиб, мазкур автокорхонанинг 32 нафар ҳайдовчиси аъзо бўлди. Чунки улар 15 машинани шу корхонадан сотиб олиб, хусусийлаштирган эдилар.

Шуни айтиш керакки, уюшмамиз аъзоси бўлишга хусусий машиналар эгаларида интилиш ҳали унчалик етарли эмас, чунки, унинг моҳиятини кўплар ҳали яхши тушуниб етишмаяпти. Биз эса Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 майдаги «Транспорт ва алоқа соҳасидаги фаолиятни лицензиялаштириш тўғрисида Низом»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори тўлиқ ишлаши учун назорат сустлигини ҳис этяпмиз. Қарорда мулк шаклидан қатъий назар, автомобиль транспортида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар (юридик шахслар) лицензия олишлари шартлиги қайд қилинган. Ана шу қоидага кўра, ДАН ходимлари хусусий машиналарда юк, йўловчилар ташувчиларни ўз ҳудудидаги йўналишларда назоратдан ўтказдилар. Шундан кейин уюшмадагилар сони янги аъзолар ҳисобига маълум даражада кўпайиб, 51 кишига етди. Яна 40 киши уюшмага кириш

Ислоҳот одимлари

ниятини билдирдилар.

Энди хизмат тартибига келсак. Уюшма ўз аъзоларига техникавий хизмат кўрсатишни мавжуд автобазадагиларга нисбатан анча арзонга бажаради. Айни пайтда «Карвонсарой»да ёнилғи билан таъминлаш хизмати йўлга ҳам қўйилади. Энг муҳими, автомобилларнинг майдонда туриши учун ўта арзон нарх белгиланди. Айтайлик, асосий машиналар турар-жойларида соатига 5 сўм олинса, бизда 1 сўм 20 тийин тўланади. Умуман, уюшма ташкил этилганидан буён аъзоларимизга ярим миллион сўмликдан зиёд ана шундай хизмат кўрсатилди.

— Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитларида уюшма фаолиятини бунчалик имтиёзли бошлашнинг ўзига хос сабаблари бўлса керак?..

— Албатта. Хусусий машиналар эгаларининг «бошини қовуштириш»га Республика Вазирлар Маҳкамаси алоҳида эътибор берар экан, бу шахслар томонидан бажариладиган ишда тартиб бўлишини, яъни тарқоқ ҳолда пала-партиш ишлаётган кишиларни уюшмага жамлашни кўзда тутмоқда. Аввало, уюшма фаолиятининг мазмуни йўловчилар ҳаётининг хавфсизлигини таъминлашда ўз ифодасини топади. Ҳозирча хусусий машиналарда йўловчи ташиётган кишиларнинг транспорти бу ишга лойиқми, ҳайдовчининг ўзи муносибми, йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Чунки, хусусий машина эгаси ойлик солиғини тўлаб қўйгандан кейин, уни юк, одам ташишга лаёқатли ёки лаёқатли эмаслигини назорат қиладиган ташкилот йўқ. Келгусида уюшмалар ҳар бир ҳайдовчини кўрикдан ўтказиб, лицензия билан таъминлашни кўзда тутади. Бошқача қилиб айтганда, шахсий мулк эгаси пул ишлаши билан бирга, масъулиятни ҳам ҳис этадиган бўлади. Иккинчидан, юкларни манзилларга етказиш «Карвонсарой»да режалаштириладиган бўлади. Буюртмалар ҳақидаги маълумотлар компьютерлар орқали амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, шаҳар ва шаҳардан ташқарида аҳолига хусусий машиналар билан хизмат кўрсатиш тартибга солинади.

Шуни таъкидлаш керакки, аъзолар ҳуқуқини, уларнинг манфаатларини давлат ва ҳукумат идоралари олдида ҳимоя қилишни уюшма ўз зиммасига олган.

— Уюшманинг истиқболи ҳақида нималар дея оласиз?

— Унинг келажаги борлигига ишончим комил. Фақат, дадил фаолият юргизиш учун хусусий машиналар ҳайдовчиларига уюшма томонидан лицензиялар беришни ҳуқуқий кафолатлайдиган расмий ҳужжатга эга бўлишимиз лозим. Чунки, ҳозирча хусусий машиналарда юк ва йўловчилар ташувчиларни назорат қилиш тартиботи, ташилган юк, одамлардан олинадиган ҳақ, автомобилларнинг техникавий созлиги, уларнинг санитария талабларига мувофиқлиги, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, суғурта қилиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар етарли ишлаб чиқилмаган. Улар қиёмига етказилса, тажриба ўзини оқлайди. Бошқа ҳудудларда ҳам ушбу ташаббусни кенг ёйиш имконияти туғилади.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

НУРОНИЙЛАР СИҲАТГОҲИ

«Нуроний» жамғармаси Қибрай тумани бўлими уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик қилиш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Ғалаба байрами куни арафасида туманда тантанали суратда очилган пансионат — фахрийлар сиҳатгоҳи мана шундан далолат беради. Бу нифобахш масканда Бўзсув канали соҳилида боғ ҳаёт кўтарди. Икки қаватли бинодаги ётоқхоналар шинам қилиб жиҳозланди, қариялар дам олиши учун ҳамма қулайликлар ҳозирланди. Бу ерда ойнаи жаҳон кўрсатувларини томоша қилиш, тенгқурлар билан кўнгилли суҳбат қуриш мумкин. Мевали боғ, фавворалар, мўътадил иқлим кишининг баҳри-дилини очади. Сиҳатгоҳда бирйўла 30 нафар киши дам олиши мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, бу маскан ҳашар усулида бунёд этилди. Уни нуронийларга қисқа муддат ичида туҳфа этиш учун тумандаги барча саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари баҳоли қудрат ёрдам бердилар.

Суратчи Александр МАЛЬЦЕВ пансионатда бўлиб, унинг умумий кўриниши ва дам олиш зали, ётоқхонасини тасвирга туширган.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

ТАЙБЭЙ. Тайван президенти Ли Дэнхуэй мамлакат бош вазири Лян Чжаннинг истеъфога чиқиш ҳақидаги илтимосини рад этди. Шунингдек, у бош вазирга ҳукумат таркибини қисман ўзгартиришни тайинлади.

Маълумки, мамлакатдаги ички сиёсий танглик ҳамда фуқароларнинг ҳукуматга қарши норозилик намойишлари сабаб, Бош вазир Лян Чжан истеъфога чиқиш тўғрисида ариза берган эди.

* * *

ЛИМА. Перу пойтахтида 26 нафар полиция зобити устидан суд бошланди. Айбномага кўра, бу зобитларнинг эътиборсизлиги оқибатида ўтган йилнинг декабрида террорчилар мамлакатдаги Япония элчихонаси биносини зўрлик билан эгаллаб олган.

Лимадан олинган маълумотларга қараганда, Тупак Амару номидаги инқилобий ҳаракат аъзоларининг Япония элчихонаси биносига ҳужум уюштираётгани ҳақидаги айрим хабарларни полициячилар аввалдан эшитган, лекин вақтида зарур чора-тадбирларни кўрмаган.

* * *

ВАШИНГТОН. АҚШ конгрессининг халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси «Ташқи сиёсат маҳкамасидаги ислоҳотлар тўғрисидаги қонун» лойиҳасини тасдиқлади. Мазкур лойиҳада давлат департаменти фаолияти, мамлакатнинг хорижга кўрсатиладиган ёрдами ва бошқа халқаро дастурлар учун 1998 молия йилида 16,4 миллиард, 1999 йилда эса 16 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилади.

Шунингдек, хорижий давлатларга Америка кўрсатажак моддий ёрдамнинг устувор сиёсий йўналишларини белгилаш ҳам лойиҳада қайд этилган муҳим масалалардан биридир.

* * *

АНҚАРА. Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Туркияга расмий ташрифи чоғида Боку ва Ёреван ўртасида узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган тортишувларга чек қўйиш учун Озарбайжон ҳукумати Тоғли Қорабоққа мухторият мақомини беришга тайёр эканини маълум қилди. Шунингдек, у Тоғли Қорабоғ муаммоси жорий йилнинг ўзидаёқ тинч йўл билан ҳал этилишига умид билдириб, бунинг учун катта меҳнат талаб қилинажагини таъкидлади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1997 — 1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН НОГИРОН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

1. Ҳар хил турдаги кийимларни тикувчи усталар. Ўқиш муддати 2, 3 йил.
2. Маиший уй-рўзғор электр асбобларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
3. Соатларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
4. Оёқ кийимларни тикувчи ва таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
5. Тикув машиналарини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
6. Давлат, кичик корхона ва тижорат тизимида ишловчи ҳисобчилар. Ўқиш муддати 1 йил.
7 Компютерда ишловчи мутахассислар. Ўқиш муддати 1 йил.
8. Сартарошлар. Ўқиш муддати 1 йил (шартнома асосида).
9. Радиоаппаратураларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 2, 3 йил.
10. Кўзи ожизлар. Ўқиш муддати 1 йил.

Ўқиш муддати 1-2 йил ўқийдиган гуруҳларга 11-синфни битирганларни қабул қилинади. Ўқиш муддат 3 йиллик гуруҳларга 9-синфни битирганлар қабул қилинади. Билим юртини тугатгандан сўнг, олган ихтисослари бўйича диплом оладилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. Билим юрти ётоқхона ва спорт комплексига эга.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси.
3. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси.
4. 086 формадаги медицина маълумотномаси.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. Турар-жойидан маълумотнома.
7. Ижтимоий таъминот бўлимидан йўлланма.
8. Ногирон болалар учун тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг тавсияномаси (ТМЭК).
9. 4 та 3х4 ҳажмдаги фотосурат.
10. Папка ва бир дона конверт.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Путфий кўчаси, 47-уй. Маълумот учун телефонлар: 78-78-80, 78-82-72.

Транспорт: 4-9 трамвайлар ҳамда 2, 13, 33, 77 автобусларнинг «Кўрлар комбинати» бекати.

Ҳужжатлар 15 майдан ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

ТЕКШИРИШ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

«Тоза ҳаво» тадбири амалда

Атроф-муҳитнинг тозалигига эътибор бериш ҳозирги куннинг асосий талаби бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятида атмосфера ҳавосини автотранспорт воситаларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш тадбирларига катта аҳамият бериб келинмоқда. ДАН тизимида фаолият кўрсатиб келаётган экология бўлинмаси ва туман, шаҳарлардаги, экология соҳаси ходимлари томонидан транспорт воситаларидан чиқаётган ис гази, углеводород ва тутун миқдорини назорат қилиш бўйича аниқ тадбирлар олиб борилмоқда. Шу йилнинг 10 апрелидан бошлаб бир ой мобайнида республика миқёсида махсус «тоза ҳаво» тадбири ўтказилди. Бу тадбир табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, Нефтгазназорати ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ташкил этилди.

Давлат автомобиль назорати томонидан тадбирга тайёргарлик кўриш даврида вилоят йўлларида, йирик саноат шаҳарларида ва дам олиш масканларида автомобилларни экологик назорат текширувларини ўтказиш мақсадида мунтазам ва кўчма экологик масканлар барпо этилди. Тадбир давомида вилоят йўлларида жами 12 мингга яқин транспорт воситаларини текшириш кўзда тутилган эди.

«Тоза ҳаво» тадбири режаси бўйича табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Нефтгазназорати инспекцияси, ДАН хизмати ходимлари биргаликда вилоятдаги йирик автокорхоналар, техник хизмат кўрсатиш устахоналари ва ёқилғи қуйиш тармоқларини комплекс текшириб чиқдилар. Масалан, Бекобод шаҳридаги автобус-такси саройи, «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти, Пскент туманидаги 82-автокорхона, Оққўрғон туманидаги 46-автокорхона, Янгийўл шаҳридаги 2503-автожамлама ва бошқа автокорхоналари кўриклан ўтказилди.

Текширувлар шуни кўрсатдики, корхона раҳбарлари автотранспорт воситаларининг атроф-муҳитга кўрсатаётган зарарли таъсири оқибатларига ҳамон бефарқ қараб келмоқдалар, транспорт воситаларини йўлга техник ва экологик носоз чиқишига йўл қўймоқдалар. Аксарият корхоналардаги транспорт воситаларининг ҳолати санитария талабларига жавоб бермайди, агрегат ва қисмларидан ёнилғи мойлар оқади, маблағ йўқлиги туфайли бензин (дизель) ёнилғисида ишлатилаётган автомобиллар газ ёнилғиси билан ишлашга жиҳозланмаяпти. Корхоналардаги назорат-ўлчов асбоблари носозлиги учун ишламаяпти. Диагностика созлаш тармоқларидан унумли фойдаланилмаяпти. Ваҳоланки юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, транспорт воситаларини экологик созлиғини таъминлаш, корхоналарда экологик тадбирларни амалга ошириш уларнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Атмосфера ҳавосига транспорт воситаларидан ажралиб чиқаётган газлар бу тутун, ис гази, канцероген моддалар, азот оксидлари, углеводород, алдегидлар ва турли кислоталардир. Улар нафақат табиатга, балки инсониятга катта зиён келтиради. Айниқса йирик шаҳарларда, аҳоли зич жойлашган ерларда уларнинг таъсири жуда сезиларлидир. Масалан, Ангрен шаҳрининг ўзида автотранспорт воситалари бир йилда 2000 тоннага яқин ис гази ажратади.

Буларнинг олдини олиш, хусусан автотранспортнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш муаммосини ҳал қилиш учун барча кучларни бирлаштириш, илм-фан ва технологиянинг илғор усулларини тадбиқ қилиш устида ишлашимиз керак. Энг муҳими бу ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги, балки ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Келажак авлодга беғубор табиат ва осмонимизни мерос қолдириш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Т. АБДУЖАББОРОВ, Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармаси экология бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.

ЎҲЛАДАСОҲГ ҚОРҚАЛАҚАР

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Роватак» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Муқаддас Солиева халқимизнинг «ҳунардан унар» деган доно нақли нақадар тўғрилигини амалиётда исботлаяпти. У қандолатчилик қилаётир. Бир неча ойдан бери шу иш билан уйида шуғулланмоқда. У харидорларнинг буюртмаларини бажаради. Парварда, пашмак, холва, конфет каби миллий ширинликлар қатори бошқа замонавий қандолат маҳсулотларини ҳам тайёрлайди. Уларнинг хили йигирматага яқинлашиб қолди. Энг муҳими унинг ширинликлари бозор нархига нисбатан анча арзон туради.

Шу сабабли буюртмалар кети узилмайди. Роватакликлар тўй-ҳашамлар қиладиган бўлсалар, қандолат маҳсулотларини сотиб олиш учун узоқдаги бозорларга бориб юрмайдилар. Муқаддас Солиевага мурожаат қиладилар.

Собир МАҲМУДОВ.

ҳадис илмининг султони

Ҳадис илми равнақига бемисл ҳисса қўшган буюк аллома Имом Ал-Бухорийнинг муборак номи истиқлол боис халқимиз қалбидан тобора теран жой олмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, буюк муҳаддис таваллудининг 1225 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади.



Маънавиятимиз сарчашмалари

Ислом дини таълимотида Қурьони карим асосий манба бўлиб, жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний, аҳлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар эса ундан кейин турадиган энг мўътабар ва бебаҳо ҳикматлар мажмуаси ҳисобланади. Уларда шариат аҳкомлари, каломи шарифда ифода этилган барча илму амалиётлар ғоялари теран талқин этилиб, батафсил изоҳланади. Ҳадисларни тўплаш, айниқса VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ғоятда тараққий этиб, бу илм билан шуғулланиш энг фахрли машғулот даражасига етган. Манбаларда келтирилишича, саккизинчи асрдан ўн биринчи аср ўрталаригача ҳадис илми билан шарқнинг турли томонларида мингдан ортиқ муаллиф шуғулланган.

Ҳадиси шарифларни ислом дунёси аҳлига, улар қай тариқа содир бўлган бўлса, шундайлигича покиза ва бекаму-кўст етказиб бериш олиму уламолар зиммасига катта масъулият юклайди. Ислом уламолари ўртасида илк даврдан бошлабоқ ҳадисларнинг тўғрилиги, яъни саҳиҳлиги, уларнинг ишончли манбаларга асосланишига катта эътибор берилган. Зеро, ўша вақтдаёқ ноаниқ, чала, ҳатто ғаразли мақсадлар билан тўқилган сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқала бошлаган эди. Баъзи манбаларга кўра, ўша даврда бидъатчи худосизлар томонидан Пайғамбар номларидан ўн тўрт мингга яқин сохта ҳадис тўқилган. Шу сабаб, уларни қайта-қайта текшириб, олимларнинг бетиним меҳнати натижасида асл ҳолига келтирилиб, ёзма равишда қайд қилиш алоҳида аҳамият касб этган. Ҳадис илмининг ривожида олтин давр ҳисобланган ҳижрий учинчи (мелодий тўққизинчи) асрда бу борада катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Чунончи бутун мусулмон оламида энг нуфузли манбалар, деб тан олинган олтита ишончли ҳадислар тўплами — (Ас-сиҳох Ас-Ситта) муаллифлари ҳам мана шу асрда яшаб ижод қилганлар. Яна шуниси диққатга сазоворки, мазкур олти муҳаддиснинг деярли ҳаммаси Марказий Осиё халқлари вакиллари бўлиб, улар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий (194) 810—256 (870), Имом Муслим ибн Ал-Ҳажжож (206) 819—261 (874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо Ат-Термизий (209) 824—279 (892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (202) 817—275 (888), Имом Аҳмад Ан-Насоий (215) 830—303 (915), Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа (209) 824—273 (886) каби муборак сиймолардир. Ушбу муҳаддисларнинг ҳар бири ҳадис илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган беназир олимлардан ҳисобланиб, уларнинг табаррук номлари абадул-абад яшайди. Шу билан бирга ҳадис илмида «Амир ул-Мўминийн», «Имом Ад-Дунйа», «Имом Ал-Муҳаддисийн», («Барча муҳаддисларнинг имоми») деган шарафли номларга сазовор бўлган Имом Ал-Бухорий ҳазратлари алоҳида эътиборга молик буюк зотдир.

Алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ Ал-Жуафий Ал-Бухорий бўлиб, у Ҳижрий ҳисобда 194 йил шаввол ойининг 13 кунида (810 йил, 20 июль) Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Бошқа кўпгина олимлардан фарқли ўлароқ, Ал-Бухорий туғилган сана аниқ кўрсатилишига сабаб шундаки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илм-маърифатли кишиларидан эди. У ўғлининг туғилган кунини ёзиб кетган қоғоз замондош олимлар қўлига етган.

Ал-Бухорийнинг ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, у онаси тарбиясида ўсган. Болалигидан ақл-идроки, ўткир зеҳни ва маърифатга ҳаваси кучли бўлган, турли илм-фанларни, айниқса Пайғамбаримиз ҳадисларини алоҳида меҳр ва ихлос билан ўрганган. Ўз юртидаги турли ровийлардан эшитган ҳадисларини, шунингдек Абдуллоҳ ибн Ал-Муборак ва Ваки, ибн Жарроҳ каби олимларнинг ҳадис тўпламларини ёдлаган, устози шайх Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизғин баҳсларда қатнашган.

825 йили ўн олти ёшли Ал-Бухорий ўз онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга, ҳаж зиёратига йўл олади. Маккаю Мукаррама ва Мадинаю Мунавварани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этади. Шундан кейин онаси ва акасини қайтариб юбориб, ўзи эса олти йил Ҳижозда қолиб, ҳадис илмидан астойдил таълим олади. У ўз билимини ошириш мақсадида ўша пайтларда илм-фаннинг йирик марказлари бўлган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, машҳур олимлар даврасидаги илмий баҳслар, мунозараларда қатнашиш билан бирга илк толибларига дарс ҳам беради.

Бу ҳақда алломанинг ўзи қуйидагича ривоят қилиб: «Миср, Шом, Месопотамияга икки марта, Басрага тўрт мартадан борганман. Ҳижозда олти йил яшаганман. Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганимнинг ҳисобини ҳам билмайман», деган экан. У сафар чоғида ҳам, бир шаҳарда муқим турганида ҳам ҳадислар тўплаш, ўз билимини оширишга интилган.

Ал-Бухорий кўплаб олимлардан ҳадис бўйича таълим олади. Бу ҳадисда алломанинг «Мен ҳадисларни бир минг саксон муҳаддисдан ёзиб олганман», — деганини келтириш кифоядир. Шунингдек, аллома кўплаб шогирдларга устозлик қилган.

Имом Ал-Бухорий нафақат йирик олимлиги, балки гўзал хулқи-атвори, одамохунлиги, беқиёс ҳиммат ва саховати билан ҳам ибрат бўлган. Ўткир зеҳни, қувваи ҳофизаси ва ёдлаш қобилиятининг ақл бовар қилмайдиган даражада кучлилиги билан илм аҳли орасида шуҳрат қозонган. Олти юз мингга яқин ҳадисни ёд билган.

Имом Ал-Бухорий хорижий эллардан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Баъзи бир ҳасадгўй, қора ниятли кишилар эса Ал-Бухорийни кўролмас эдилар. Ҳасадгўйларнинг найранглари туфайли олимнинг Бухоро амири Холид ибн Аҳмад Аз-Зуҳалий билан муносабати бузилиб қолади. Бунга яна бир сабаб амир олимдан ҳузурига келиб «Ал-Жоме, Ас-Саҳийҳ», «Ат-Таьрих» китобларини ўқиб, сабоқ беришни талаб қилади. Лекин Ал-Бухорий: «Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин. Лекин Оллоҳ таоло илмини яширмай, уни толибларга сарф қилганим учун охират куни мени мағфират тутади», деган жавобини айтади. Амирга бу жавоб ёқмай, фитначи кимсаларнинг гапига кириб, Ал-Бухорийга шаҳардан чиқиб кетишни буюради. Шундан кейин Ал-Бухорий Самарқандга йўл олади ва бир мунча муддат шаҳар яқинидаги Хартанг қишлоғида шогирдлари, қариндош-уруғлариникида яшайди. Касалга чалиниб, ҳижрий 256 йил (мелодий 870 йил 1 сентябрь)да 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дафн қилинади. Унинг қабри барча мўмин-мусулмонлар учун табаррук қадамжога айланади.

Имом Ал-Бухорий бой, қимматли илмий мерос қолдирган. У ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. «Ал-Жоме», «Ас-Саҳийҳ», «Ал-Адаб Ал-Муфрад», «Ат Таьрих Ас-Сағир», «Ат-Таьрих Ал-Кабийр», «Ат-Таьрих Ал-Авсат», «Китоб Ал-Илал», «Барр ул-Волидайн», «Асоми Ус-Саҳоба», «Китоб Ал-Куна» асарлари шулар жумласига киради. Буюк алломанинг энг муҳим китоби, шубҳасиз, унинг шоҳ асари «Ал-Жоме, Ас-Саҳийҳ»дир. Бу асар «Саҳийҳ Ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳур.

Мазкур асарнинг қимматли жиҳати шундаки, Имом Ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларни аралаш ҳолда киритаверганлар. Имом Ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларини мавзуларига қараб бобларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини (яъни саҳийҳларини) танлаб, ўн олти йиллик катта меҳнат самараси ўлароқ, ушбу қимматли асарни тасниф этган. Аллома ибн Ас-Салоҳнинг (1181—1245) таъкидлашича, Ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларининг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 саҳийҳ ҳадислан иборат.

Бу бағоят шарафли ишга биринчилардан бўлиб Имом Ал-Бухорий асос солганлар. Ундан кейин бир қанча олимлар, унга тақлид қилиб, шу зайлда саҳийҳ ҳадислар тўпламини яратганлар. Имом Ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари ёзилганига қарийб 1200 йил бўлганига қарамай, бу китоб ўша даврдан бошлаб ҳозирги вақтгача ислом дини таълимотида Аллоҳнинг каломи — Қурьони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган энг ишончли манба сифатида юксак баҳоланиб келмоқда. Унинг нусхалари кўп тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган баъзи адиб ва ҳаттотлар учун бу асардан нусхалар кўчириш тирикчилик манбаи бўлган. Асарнинг саккиз жилддан иборат 1325 йили кўчирилган гўзал бир нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

«Ал-Жоме, Ас-Саҳийҳ»га юзга яқин шарҳлар ҳам битилган. У бир қанча тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган. Имом Ал-Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақатгина шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Уларда меҳр-оқибат, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, турли халқларнинг ўзаро дўст, тинч-тотув яшашлари каби юксак инсоний фазилатлар улуғланади. Асарда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимадан ўзини тийиш керак каби ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган йўл-йўриқлар, панду насиҳатлар, ўз ифодасини топган.

Муҳтасар қилиб айтсак, Имом Ал-Бухорийнинг ўлмас бу асари башарият қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, рушду ҳидоятга бошловчи бебаҳо дурдонадир. Буюк ватандошимизнинг табаррук номлари бутун ислом дунёсида алоҳида меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва эътибор билан тилга олиниши сабаби ҳам шунда. Мусулмон дунёсининг барча мадрасаю дорилфунунларида алломанинг ўлмас асарлари Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари бўйича асосий қўлланма, дастуриламал тарзида ўқитилади. Шу боисдан ҳам дунёнинг қай бурчагига бормайлик, биз, Ўзбекистонликларга, Имом Ал-Бухорийнинг ватандошлари, унинг авлодлари, набиралари деб катта ҳурмат, алоҳида эҳтиром билан қарайдилар. Бамисоли биз Маккаю Мукаррамани зиёрат қилишга интилганимиздек, жумлаи жаҳондаги мўмин-мусулмонлар Имом Ал-Бухорийнинг табаррук қабрларини зиёрат қилишга орзумандлар.

1974 йили жумҳуриятимизда ислом дунёси вакиллари ва хорижий меҳмонлар иштирокида алломанинг 1200 ёшга тўлгани нишонланган эди. Унинг шоҳ асарлари «Ал-Жоме, Ас-Саҳийҳ» ва «Ал-Адаб Ал-Муфрад» Тошкентда қайтадан нашр қилиниши Ал-Бухорий меросини ўрганишда катта аҳамият касб этди. Тошкент Ислом олий маъҳадининг Имом Ал-Бухорий номи билан аталиши ҳам буюк донишмадга ҳурмат-эътибор рамзидир.

Мустақиллигимиз шарофати билан маънавий дунёмизда содир бўлаётган тарихий ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш лозим. Адолатсиз равишда унутилган кўплаб алломаларимиз, арбобларимиз ўз элига, ўз юртига қайтмоқда. Қадриятларимиз тикланмоқда. Буюк ватандошимиз Имом Ал-Бухорийга муносабат ҳам энди ўзгариб, унинг асарлари теран ўрганилиб, кенг жамоатчиликка тақдим қилинаётир. Жумладан, алломанинг шоҳ асарлари «Ал-Жоме, Ас-Саҳийҳ» (тўрт жилдлик) ва «Ал-Адаб Ал-Муфрад» тўлиғича ўзбек тилига ўгирилиб, кенг китобхонлар оммасига тортиқ этилди. Шуни таъкидлаш лозимки, Имом Ал-Бухорийнинг шахсига, беназир меросига, у зоти бобаракотнинг мақбарасига эътибор айниқса сўнгги йилларда зиёда бўлмоқда. Бу хайрли ишлар жонажон Ўзбекистонимизда бой ва кўҳна тарихимиз, маданий меросимиз, маънавий қадриятларимиз, муборак динимиз равнақи йўлида юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган доно ва халқчил сиёсат самарасидир.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 1992 йил апрель ойида Саудия Арабистони раҳбариятининг таклифига биноан бу мамлакатга ташриф буюрган эди. Президентимизни Саудия Арабистони халқи, хусусан, икки муқаддас масжид ходими подшоҳ Фаҳд ибн Абдул Азиз Ол Сауд ҳазрати олийлари катта иззат-икром ва ҳурмат билан қарши олди. Камоли эҳтиром ифодаси сифатида подшоҳ ҳазрат олийлари Президентимизга Каъбатуллоҳнинг устига ёпиладиган каъбапўшнинг катта бир бўлагини ҳадя қилдилар. Ўша йилги Қурбон ҳайити муносабати билан Президентимиз диёримиз мусулмонларига совға тариқасида ушбу каъбапўшни лутфан Имом Ал-Бухорий мақбараси мажмуига тортиқ этдилар. Буюк алломанинг ёркин хотирасига давлатимиз раҳбари кўрсатган бундай самимий эҳтиромни барча мўмин-мусулмонлар зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва бу олижаноблик халқ орасида табаррук зиёраттоҳга эътиборни беқиёс даражада ортишига сабаб бўлди.

Мана, қарийб ўн икки асрки, жаҳон аҳли Имом Ал-Бухорий ҳазратларига ҳурмат бажо келтиради. Бинобарин Ўзбекистон диёрининг номини бутун дунёга достон қилган шундай буюк зотга мансуб авлод, муносиб ворис бўлиш ҳар бир юртдошимиз учун ҳам улкан шараф, ҳам катта масъулиятдир.

Убайдулла УВАТОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди. (ЎзА).

Давр — тадбиркорники

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛМАГАН ЙИГИТ...

Бу йигитнинг тадбиркорлик фаолиятини кўп йиллардан бери кузатиб келаман. У пайтларда тадбиркор сўзи расман истеъмолга кирмаган эди. Ана шундай мураккаб шароитларда Иномжон Жаҳонгиров хамир ёядиган ва угра кесадиган мослама яратишни дилига тугди. Бу борада амакиси Исроил ака бу иш анча мураккаблигини, ундан кўра тинчгина давлат ишини қилиб маошни «еб ётишни» маслаҳат берди.

Ўжар жияннинг қистовларидан кейингина Исроил ака бу мосламани яратишга қизиқиб қолди ва токарлик дастгоҳида зарур қисмларни тайёрлади. Бу мосламани турлича тезликда ҳаракатга келтирувчи электр двигателлари топилди.

Иномжон ака ўз ҳовли-жойидаги алоҳида хонани угра тайёрлаш шаҳобчасига айлантирди.

Иномжон умр йўлдоши Хайрихон билан кундузлари Бекобод металлургия корхонасида ишлаб, кечқурунлари эса угра тайёрлашарди. Жиянлари Ҳасан ва Ҳусан, келини Мақсудахон ёрдам бериб туришарди.

Мижоз манфаатини ҳар нарсадан устун қўйилганлиги учун мижозлар кўпайди.

— Республикамиз мустақиллигидан нафақат зиёлилар, биз каби тадбиркорлар ҳам беҳад қувонган эдик, ўшанда, — дейди Иномжон ака.

Бекободдаги «Металлургчилар бозори»нинг жанубий дарвозасига туташ майдонда полиз ва сабзавот маҳсулотлари савдоси тўхтамайди, одам гавжум. Шу майдон четида дўконлар растаси тикланди. Иномжоннинг «бир зумда» деб номланган қаҳвохонаси ишга туширилди.

— Қаҳвахонамизни ишга солиб юбориш учун икки йилдан ошиқ муддат ўтганини, оворагарчиликлар бўлганини мен айтмай, сиз эшитманг, — дейди сўзида давом этиб Иномжон. — Аммо бургага аччиқ қилиб ўтирмадик...

Халқимизда ҳаракатда баракат, деган нақл бор. Тадбиркорлик билан ўз оиласи тўкинчилигини таъминлашни дилига тугган Иномжоннинг режалари талайгина. Яқинда ўсимлик уруғидан ёғ сиқиб чиқариш мосламаси ишга туширилади.

— Тадбиркорлар кўпайгани сари рақобат кучая боришидан қўрқмайсизми? — сўраймиз ундан.

— Худойим улоқни яратар экан, унга атаб бир туп шувоқни ҳам кўкартиради. Рақобат тараққиётимиз ҳаракатбони-ку. Биздек тадбиркорлар янги-янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш билан банд бўлишдан роҳат топамиз. Ҳозир хориж технологияси мамлакатимизга кенг миқёсда кириб келмоқда. Уларни ўзлаштириш, маҳаллий саноатимизга татбиқ этиш, юртимиз бойлигига бойлик қўшади. Менинг яна сутдан пишлоқ пишириш, гўштдан турли хил маҳсулотлар тайёрлаш технологияларини ўрганиш ва шу соҳада ишни давом эттириш режаларим бор...

О. БЕГАЛИЕВ.



«АНВАР»НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалигида барпо этилган «Анвар» фирмаси ўз фаолиятини йил сайин кенгайтириб бормоқда. Тадбиркор Анвар Тожиев ташкил этган бу фирма уч йилдан бери аҳоли хизматида. Маҳаллий хом ашёдан қатор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қатори савдо, маиший хизмат ҳам кўрсатиб келяпти. Биргина ўтган йили унинг даромади икки миллион сўмни ташкил этган эди. Жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш янада кенгайди. Қатор янги ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этилди. Бетон, дурадгорлик материаллари ишлаб чиқарувчи цехлар, ошхона, чойхона, меҳмонхона, сартарошхона фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари фирма аъзолари 10 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Ушбу суратларда ошхона-меҳмонхонани (чапда), чойхона, дўкон, бар биносини (ўртада), фирма бошлиғи Анвар Тожиевни ўғли Муроджон билан ўзлари яратган теракзорда кўриб турибсиз.

Тўлқин КАРИМОВ суратлари.

Мактублар, мактублар...

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ГУЗАРИМИЗГА!

Обод қишлоғида янги гузар қурилиб, ишга тушди. Бирваракай бир неча савдо ва маиший хизмат нуқталари аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Диққатга сазовор жойи шундаки, бунинг бари тадбиркор Равшан Соиповнинг шахсий маблағи ҳисобига қуриб битказилди. Гузар топширилиши муносабати билан қишлоқда катта тантана бўлди, халқимиз удумига кўра қўй сўйилиб, элга ош берилди.

Сўнгги бир ой ичида Қибрай туманида 5 та савдо-сотиқ дўкони, 3 та сартарошхона, 2 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, 3 та маҳалла биноси, битта чойхона қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди.

Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.

ҲАМОН ЁДИМИЗДАСИЗ, ЯХШИЛАР

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманининг Маданият уйига кираверишда Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев, Ниёзимбет Нишонбоев: Раҳим Довутбековлар ҳақида одамлар бир-бирларига дил сўзларини айтаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ана шунда бутун фаолиятини, ҳаётини эл манфаатига хизмат қилишга бағишлаган инсонлар ёди абадийлигига яна бир ишонч ҳосил қилдик.

Ўша куни сўз олганлар кавардонлик Пўлатхўжа аканинг «Шоир» тахаллуси билан мақола, шеърлар ёзганлиги, ўзи туғилиб ўсган қишлоқда «Меҳнат бирлиги» хўжалигини ташкил этишда фидойилик кўрсатганлигини меҳр билан тилга олдилар. Унинг хўжалик раҳбари сифатида ҳар бир инсонга оқибат билан муносабатда бўлганлигини қайта-қайта таъкидладилар.

Ниёзимбет ака эса ўз бахтини одамларга ҳалол хизмат қилишга, қайси хўжаликка раҳбар бўлиб тайинланмасин, эл дарди билан яшашга бел боғлаган инсон сифатида ёдга олинганда қариндош уруғлари кўзларида севинч ёшлари қалқиди. Меҳнат билан топилган бахт ҳеч қачон сўнмас эканда.

Э-ҳе, Раҳим ота Довутбеков ҳақида юрагингдаги бисотингдаги энг яхши сўзларни гапириб, адо қилолмайсан, киши. Журналист бор ҳаётини одилликка бағишлади. «Олға», «Сурьат» газеталарининг муҳаррири, камтарин, меҳрибон устоз сифатида омма орасида танилди. Қанчадан-қанча ёшларни журналистика оламига олиб кирди.

Хотира учрашуви биз номларини келтирган кишиларнинг қариндош уруғлари иштирокида ўтганлиги, туманимиз фахрийлари бу кишилар ҳақида дил сўзларини юракдан баён этганликлари кўпчиликда чуқур таассурот қолдирди.

Иномжон ХОЛТУРСУНОВ, журналист.

ФЕРМЕРНИНГ ОМАДИ

ОҲАНГАРОНДА фермер хўжаликлари ҳақида гап боргудек бўлса, албатта, Аваз Азимовни мисол қилиб кўрсатишади. Унинг хўжалиги катта ҳам, кичик ҳам эмас, ўртамиёна. 150 гектар суғориладиган ери бор. Аммо хусусий хўжалик нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатяпти, дейишади.

Дарҳақиқат, тадбиркор Аваз Азимов фермер бўлгач, 20 нафар деҳқонларга бош бўлиб, жамоа хўжалигидан олган экин майдонларида ҳалол меҳнат қилиб, дон, картошка, сабзавот экинларидан шу ҳудудда энг юқори ҳосил етиштиришга эришди. Бир йилда 2 миллион сўм даромад қилди. У оёққа мустаҳкам туриб олиб, янада каттароқ ишларга қўл уришни режалаштиряпти. Фермер хўжалиги кузда 60 гектар майдонга буғдой экканди. Қалин майсалар найчалай бошлади. Хўжалик аъзолари шу кунларда галланн бегона ўтлардан тозалаб, қондириб суғормоқдалар. 28 гектар майдонга экилган пиёзнинг ҳар гектаридан 160 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллаб, шунга яраша парвариш қилмоқдалар. Сифатли ишлов берилган картошка, помидор кўчатлари ҳам тез ривожланмоқда. Экинлар парваришида Б. Азимов, А. Мирзаев, А. Бўронов, И. Пусуров, В. Кимлар бошқаларга ўрнак кўрсатишаяпти.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

ЯХШИЛИК ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

РАҲМАТ!

ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!

ГАЗЕТАНГИЗДА умумхалқ манфаати йўлида фидойилик билан хизмат қилиб келаётган меҳнат кишилари, зиёкорлар ҳақида кўп ўқиймиз. Шундай мақолалардан руҳланган ҳолда, бизнинг кўзимизга қайта нур бахш этган ажойиб инсонлар ҳақида ёзишга жазм қилдик.

ВИЛОЯТ кўз касалликлари шифохонасида даволаниш учун ётганимизда биринчи ҳис этган туйғумиз беморларга баб-баравар ҳурмату жамоанинг ўзаро аҳиллиги бўлди. Ҳар бир врач, ҳар бир ҳамширада ана шундай муносабат шакллланганидан кўнглимиз кўтарилди. Баъзилар «хушмуомалалик, эътибор, уларнинг бурчи-ку, ахир, бунинг нимасига ҳайратланиш керак», дейишлари мумкин.

Биз илгари бошқа айрим шифохоналарда врачларга мурожаат қилиб, дилимиз ранжиган пайтлар ҳам бўлган. Бу жойда эса тамомила ўзгача меҳрибонлик, ўзгача иззат-икром. Шунинг учун ҳам ўз касбининг билимдони Зафар Сидиқов раҳбарлик қилаётган бу даргоҳ ходимларига ҳурматимиз ортди. Айниқса, М. Бекова, Э. Дўсебоев каби шифокорлар, М. Абдурахмонова, Ш. Ҳидоятова, З. Айтбоева, Г. Редько сингари ҳамшираллар, кечаю-кундуз орасталикни таъминлайдиган Д. Норхўжаева, Н. Петренко каби фарроҳлар хизматидан мамнунмиз. Уларнинг ҳаммаларига раҳмат.

Айни пайтда шифохона хусусида айтадиган истагимиз ҳам бор. У анча ночор, путури кетиб қолган биноларга жойлашган. Бу беморлар кайфиятига таъсир этиши табиий.

Икки, йилдирки, вилоятимизда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури асосида иш олиб борилмоқда. Бу борада силжишлар рўй бераётганлигидан воқифмиз. Ана шуларни кўриб туриб, офтальмология шифохонаси учун ҳам замонавий бино керак экан, деган фикр туғилди.

Албатта, бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитидаги қийинчиликларни биз ҳам тушунамиз. Лекин бунга қарамай, кўз касалликларини даволаш бўйича ҳар томонлама замонавий, кўркам, моддий базаси мустаҳкам шифохона қад кўтарса, беморлар учун янада кўпроқ қулайликлар яратилган бўлур эди.

Фёдор ЛИ,
Абдулахат ТОШБОЕВ,
Суръат ЎРМОНОВ,
Каримберди АВВАЛОВ,
Бибисора ШЕРОВА ва бошқалар.
Ҳаммаси бўлиб 20 имзо.

ЯНА ДИЙДОР КЎРИШАМИЗ

Қамара КАМОЛОВА,
кинорежиссёр

— ЭСКИДАН машҳур бир гап бор, шунга ўхшатма қилиб, «Кинофестиваль халқларни яқинлаштиради» демоқчиман. Чиндан-да, қадрдон дўстлар дийдор кўришиши, янги танишлар орттириш нақадар завқли. Истардимки, фестивал меҳмонлари ҳар сафаргидек ўзларини уйларидагидек ҳис этишса, самимийлик ва дўстона муносабатлар муҳити бир зум бўлса-да уларни тарк этмаса.

Ўтган йил охирида Франциянинг Нант шаҳрида бўлиб ўтган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинофестивали ёдимга тушиб қолди. Ушанда менинг «Ҳаммаёқни қор босганди» картинам юқори баҳога сазовор бўлганди. Мен учун бу сира кутилмаган ҳол эди. Залда ўтириб, саҳнага мени чорлашаётганини дабдурустдан идрок этишга ҳам ожиз қолдим. Албатта, бу мен учун энг ёрқин ва эсда қоларли воқеа ҳисобланади. Лекин, фестивалнинг ташкил этилиши, ундаги муҳит ва қизиқарли ретроспектива намойишлари унданда кўпроқ таассурот қолдирганди.

Яқинда Истамбулдаги кинофестивалда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. У ерда жуда кўплаб қизиқарли фильмларни кўриб, туркиялик ҳамкасбларим муваффақиятидан чексиз қувондим. Мазкур анжуманда менинг «Ҳаммаёқни қор босганди» картинам ахборот тарзидаги фильмлар намойиши доирасида кўрсатилди. Ушбу фильм «Шод» болалар фильмлари бирлашмасида суратга олинган бўлиб, унда инсонни юксакликка кўтарувчи ва бахтли онларни тараннум этувчи, ёки аксинча, ўкинч ва қайғуга чўмдирувчи биринчи муҳаббат ҳақида ҳикоя қилинади. Яна ва яна одамларга эслатишни истардим: Инсон ҳиссиётларига ҳам нозик ниҳолларга бўлгани каби эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозим.

НИГОҲЛАРИ ТЎЛА ЭҲТИРОС...

АКТРИСА Лола Элтоева саньатга ўзига хос ижро услуби, жозибали ва характерли образлари, қалбларимизни жунбушга соладиган ўзига хос овози ва ёқимли таассурот уйғотадиган самимий ва жўшқин талқини билан дадил кириб келди. Қисқа вақт ичида театр саҳнасида, телевизион видеопостановкаларда, киноэкранда шунчалик хилма-хил ва ёрқин образлар яратдики, унинг ёшликка хос беғубор нигоҳини саньатсевар мухлислар тезда севиб қолдилар.

Ўзбек кино режиссёри Шароф Бошбековнинг «Масҳарабоз» фильмида Лола Элтоева талқин этган Тешаой фильмнинг охирги лавҳаларида бир-икки кўринди-ю, диққатимизни тортди. Аслида фильмнинг бош қаҳрамони ҳам унинг ўзи эканлигини тезда пайқаймиз.

Актриса гавдалантирган мозийнинг зиддиятли ва суронли воқеалар ичра бахтга ташна, курашчан қаҳрамонларидан, кичиккина жуссасига энг эзгу, олижаноб фазилатларни, матонат ва чидамни, севгининг қувонч — аламларини сиғдира олган замондошлари тимсолидан ҳайратга тушамиз.

— Мени турли мавзулар, турфа характерлар қизиқтиради, — дейди Лола. — Ички қарама-қарши туйғулар, руҳий кечинмалари кучли образлар яратгим келади. Ихтиёрсиз равишда нопок йўлга кирган қизлар, ҳаёт синовларини енгиб ўтолмай, машъум жар ёқасига келиб қолган аёллар тақдири ҳаяжонга солади мени.

Лола кинони яхши кўради. Чет эл фильмларини ўзгача бир кайфият билан томоша қилади. Жаҳон киноси юлдузлари Софи Лорен, Жина Лолобрижита яратган образлар ёш актирсада чуқур таассурот уйғотади.

Лолахоннинг режиссёр Дилором Каримова саҳналаштирган «Қуёши ботмайдиган юрт», Юсуф Розиқовнинг «Домла» кўпқисмли телесериалида яратган образлари руҳий кечинмаларни таърифлашда жуда нозик ва нафис бўёқларда, ҳаяжонли тарзда, имо-ишора, умуман ҳатти-ҳаракатларига сайқал беришдаги жозибали ижроси томошабинни таъсирлантириб юборди. Кинода ҳам, актрисанинг ижодий имкониятлари тўлиқ очилади, деган умиддамиз.

Феруза НОДИРОВА.

● **Бундан аввалги Тошкент халқаро кинофестивалида анжуман меҳмонлари ва иштирокчилари вилоятимизнинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлишганди. XII ТХКФ дастурида ҳам ана шундай тадбирлар бор.**

Равиль ШАМСУТДИНОВ суратга олган.

ПОЛВОНЛАР ПАРКЕНТДА УЧРАШДИЛАР

Тумандаги марказий ўйингоҳда республика полвонларининг фарғонача усул бўйича шахсий-жамоа ва мутлақ ғолиблик учун бўлиб ўтган беллашувлари кураш мухлисларига катта қувонч ҳадя этди

● 10 мингдан зиёд кураш мухлисларини ҳаяжонга солган мусобақа ● Тошкент вилояти полвонларига тараф йўқ ● Паркентлик Шокирполвон Шомаликов мутлақ вазнда республика чемпиони ● Ака-ука Имом, Умар ва Усмон Маҳаматовларга «Тико» машинаси



— Бу мусобақага пухта тараддуд кўрдик, — дейди бош ҳакам, туман ҳокими Туроп Холтоев, — биласиз, Паркент полвонлар маскани. Туманда кураш тушмайдиган ёки унга меҳр қўймаган киши топилмаса керак десам ишонаверинг! Шунинг учун ҳам уни ҳақиқий байрамга айлантириш учун қўлимиздан келган ҳамма чора-тадбирни ишга солдик. Тумандаги деярли ҳар бир ташкилот ва жамоа ўз совринини таъсис этди. «Умид» ўқув-тажриба маркази, «Эс Энд Ви» ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳомийларининг, шунингдек, республика миллий кураш федерацияси, бир қатор тадбиркор ва ишбилармонларнинг кўрсатган ҳимматларини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим.

Биринчи кун вазнларда ғолиблик учун юзга яқин полвон гиламга чиқди. Муҳлислар бел боғлаган полвонларнинг чиройли олишувларини олқишлаб туришди. Ҳакамлар ҳайъатининг яқдил қарорига кўра ака-ука Имом, Умар ва Усмон Маҳаматовларга «Тико» машинаси берилганлиги ҳақидаги хабар ўйингоҳда тўпланган муҳлисларни оёққа турғазди. Аввалига 66 килограммгача вазнлилар баҳсида ғолиблик учун Усмон ва Имом Маҳаматовлар даврага чиқишлари лозим эди. Бироқ ука акага ғалабани курашсиз иньом этди. 60 килограммгача вазнда эса Умар Маҳаматов финалда тошкентлик Улуғбек Мирзаевни муддатидан барвақт мағлубиятга учрата олди. Умуман, Умар Маҳаматов барча учрашувларни барвақт соф ғалаба билан тугатди. Мукофот Умар Маҳаматовга берилган бўлса-да, аслида ака-укаларнинг маҳорати тақдирланганди.

Шу куни ўйингоҳга ташриф буюрган полвонлар отаси Жуман ака фарзандлари билан мукофотни олиб, уйга қайтганда хонадон бекаси Тожиби аянинг ҳурсандчилигини тасаввур этиш қийин эмас. Олти ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказаётган Жуман ака билан Тожиби аянинг яна уч фарзанди вояга етмоқда. Яқин келажакда Ислом, Икром ва Искандарлар ҳам белбоғ боғлаб, даврага чиқишларига ишончимиз комил.

Иккинчи кун эрта билан барча вазнларда республика чемпионлари аниқланди. 55 килограммгача вазнда Абдурасул Саидбоев (Пскент), 60 килограммгача вазнда Умар Маҳаматов, 66 килограммгача вазнда Имом Маҳаматов, 73 килограммгача вазнда Жамол Тўраев (ҳаммаси Паркентдан), 81 килограммгача вазнда Дилмурод Сайфиддинов, 90 килограммгача вазнда Олимбек Файзуллаев (иккаласи Пскентдан), 100 килограммгача вазнда Шокир Шомаликов (Паркент) ва 100 килограммдан юқори вазнда Аҳмад Тўрақулов (Фарғона)лар бош совринни қўлга киритдилар. Саккиз вазннинг 7 тасида чемпионлик вилоятимиз полвонларига насиб этди. Жамоа ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди: Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё.

Оғир вазнда мутлақ ғолиблик учун жами 30 полвон даврага чиқди. Ҳар жуфтлик даврага чиқиш олдидан назоратчи ҳакам кўригидан ўтади. Полвонлар белбоғини боғлаётган Қўшонполвон Пўлатов ҳам паркентлик. Ўн икки бор Ўзбекистон чемпиони бўлган. Ҳозир 65 ёшда. Ўтган йили белбоғини ечди. Андижонда Бобур совринни учун ўтказилган курашда сўнгги бор даврага чиқди. У узоқ йиллар дўсти ва устози Гултўраполвон Тўлаев билан давраларга файз кўритди.

— Ёшларга ва мана бу совринларга қараб туриб ҳавасим келяпти, — дейди кекса полвон. — Биз беллашганда бундай йирик мукофотлар йўқ эди. Миллий курашимизга ҳам эътибор бунчалик эмасди. Мана, қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланмоқда. Замонамизга шукроналар айтайлик. Полвонларнинг бундай мусобақалари кўпаяверсин.

Даврага Равшан Арзиматов ва Дилмурод Рўзиевлар чиқишади. Иккаласи ҳам Паркентдан. Аввалига Дилмурод Рўзиев рақибини ёнбошлатиб йиқитмоқчи эди, бироқ оёғини ердан узолмади. Ҳаракати учун икки очко олди. Кейинчалик Равшан Арзиматов ҳисобни тенглаштирди. 8 минутлик вақт тугади. Ҳисоб эса 2:2. Ғалаба Равшан Арзиматовга берилди. Бу ҳолатни шарҳлаб беришни республиканинг бир неча бор чемпиони, пскентлик эски қадрдон дўстимиз Эркинполвон Мусаевдан илтимос қилдик:

— Аввалари дастлаб очко олган томон ғолиб деб ҳисобланарди. Кейинчалик олишувнинг охирида очко олган томонга ғалаба бериладиган бўлди.

Ниҳоят орзиқиб кутилган дақиқа ҳам етиб келди. Мутлақ ғолиблик учун финалда паркентлик Шокир полвон Шомаликов билан фарғоналик Аҳмад полвон Тўрақуловлар учрашдилар. Ярим финалда Шокир Шомаликов Шомалик Шоюнусовни, Аҳмад Тўрақулов эса Олим Файзуллаевни мағлубиятга учратишди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра ғолиблик соф ғалабага эришган полвонга берилиши эълон қилинди. 8 минут мобайнида икки томон ҳам очко ололмади. Қўшимча уч дақиқа берилган вақтда Шокир полвон Шомаликовнинг икки ҳаракати бир очкодан баҳоланиб, вақт тугаганда унинг қўли баланд эди. Шундай қилиб, Шокир полвон Шомаликов республиканинг мутлақ чемпиони бўлди ва «Нексия» енгил автомашинаси билан мукофотланди. Иккинчи ўринни эгаллаган Аҳмад полвон Тўрақуловга «Тико» машинаси берилди.

Мусобақа тугади. Лекин ўйингоҳдан ҳеч ким кетгиси келмасди. Улар мукофотланган полвонлар даврасига қўшилиб, уларни қутлар, янги-янги ғалабалар тилардилар.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратларда: полвонлар учрашувидан лавҳалар. Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

БУ ТУРФА ОЛАМ

2025 ЙИЛГА БОРИБ

Американинг демографик тадқиқотлар бюроси эълон қилган маълумотларга кўра, 2000 йилга бориб, ер юзида аҳоли сони 6,1 миллиардга етади. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 6,8 миллиардни ташкил этади. Айни пайтда сайёрамизда 5,8 миллиард нафар инсон ҳаёт кечирмоқда.

Мазкур бюро ҳисоботида ёзилишича, аҳолининг бу суръатда кўпайиши асосан ривожланаётган мамлакатлардаги аҳоли сонининг тобора ошаётганидандир. Ҳисобот-китобларга қараганда 2025 йилга бориб ривожланган мамлакатлар аҳолисининг умумий сони деярли ўзгармайди, яъни 1,2 миллиардни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда яшовчи жами аҳоли сонининг кўрсаткичи эса, XXI асрнинг биринчи чораги сўнгида 5,6 миллиардга етади.

ХАЙР, ВЕРОНИКА

«Бойлар ҳам йиғлайди» номли фильм орқали томошабинларга яхши таниш бўлган мексикалик саньаткор — Вероника Кастро мухлислар кўнглини қолдирадиган бўлди. Яқинда журналистларга интервью бера туриб, машҳур киноюлдуз энди сиёсат билан шуғулланишни режалаштираётганини айтди.

Вероникaнинг таъкидлашича, у асли халқаро муносабатлар бўйича олий ўқув юртини тамомлаган ва сиёсат майдонида ўз ўрнини топа олишига ишончи комил. Бундан ташқари, Вероника сиёсатга жуда қаттиқ кўнгил қўйганини ҳам айтиб, унинг учун «янги соҳада фаолият бошлаш ўз-ўзини қурбон қилиш эмас»лигини маълум қилди. Шундай бўлса-да мексикалик мухлислар Вероникaнинг гапларини «шунчаки ҳазил»га йўйиб, унинг фақат саньаткор бўлиб қолажагига умид қилмоқда.

ҚОНУН ЎЗ ЙЎЛИГА...

Японияда 20 ёшга етмаган фуқаролар учун чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қонун томонидан таъқиқланган. Шу боис, мамлакат Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги ўтказган сўров натижалари кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Чунки, япон мактабларидаги ўқувчиларнинг тўртдан бир қисми мазкур қонунга риоя қилмас экан. Бундан ташқари, сўров давомида 20 ёшга етмаганларнинг 80 фоизи пиво ёки вискидан татиб кўрганини, юқори синфларда ўқувчи ўғил болаларнинг учдан бир қисми, қиз болаларнинг тўртдан бир қисми эса ойига икки-уч маротаба сархуш қилувчи ичимликлардан истеъмол қилиб туришини айтган.

(ЎзА).

Об-ҳаво

14-18 май учун

Шу даврнинг биринчи ярмида ҳаво ўзгарувчан бўлади, айрим туманларда момақалдироқ бўлиб, ёмғир ёғади, кучли шамол эсади. Шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача етади. Шу муддатнинг иккинчи қисмида ёғингарчилик бўлмайди, кечалари ҳарорат 11-16 даража, беш кунликнинг ўртасида ҳарорат қисқа муддатга пасайиб, кечаси 7-12 даражага тушади. Беш кунликнинг боши ва охирида кундузи 22-27, баъзи жойларда 30-32 даражага етади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида ва Паркент туман марказида янги рақамли телефон станциялар ишга туширилиши муносабати билан абонентлар янги станцияга ўтказилади ва телефон рақамлари қуйидагича бўлади:

Янгийўл шаҳри

Эски рақам:	Янги рақам:
71000 — 76999	21000 — 24999
	31000 — 33999
	26000 — 29999
	20000 — 20999

Янгийўл шаҳрида 5-АТС абонентларининг телефон рақамлари ўзгармайди.

Паркент туман маркази

Эски рақам:	Янги рақам:
21100 — 21399	21100 — 21399
22000 — 22999	22000 — 22999

Паркент туман маркази телефон рақамлари ўзгармайди.

Маълумот учун телефон:

Тошкент шаҳрида 54-09-28.
Янгийўл шаҳрида (8-260) 22-222
Паркент туман марказида (8-272) 22-222

ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ ЭЛЕКТР АЛОҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

ЮТУҚДАН ХУРСАНДМИЗ, ЎЙИНДАН-ЧИ?

Ўзбекистон футболчилари жаҳон биринчилиги саралаш мусобақаларини ғалаба билан бошладилар

ЎЗБЕКИСТОН телевидениеси «туҳфа»си ила минг-минглаб футбол муҳлислари мазкур учрашувни томоша қилдилар. Рақибларимиз Яман терма жамоаси бунгача сафарда икки ўйин ўтказиб, бирини дуранг қилган, иккинчисида ғалабага эришиб, тўрт очко билан гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб турган эди. Табиийки, мезбонлар ўз майдонларида қандай бўлмасин ғалаба қозонишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Бироқ ният бошқа, уни амалга ошириш бошқа. 29-дақиқада Нуъмон Ҳасанов ўн бир метрлик жарима тўпини киритиб ҳисобни очди. Афсуски, кўп ўтмай ҳакам Илҳом Шариповни қўполлиги учун майдондан чиқариб юборди. Жамоамиз озчилик қолгач, ҳимояга эътиборни кучайтирди. Рақибларимиз эса ҳужумга зўр бердилар. Икки бор майдон эгалари жуда қулай имконнятдан фойдалана олишмади. Айниқса, Ҳамадон Муҳаммад уч-тўрт метрлар чамасидан бўш дарвозага тўп кирита олмади.

Ўзбекистон футболчилари 1:0 ҳисобида дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Ютуқдан хурсандмиз, ўйинданчи?

Мазкур учрашувни томоша қилар эканман, айрим мулоҳазалар туғилди. Терма жамоамиз мураббийлари ва ўйинчилар зора бу истакларни инобатга олишса...

Биринчидан, терма жамоамиз ўйинчилари орасида тўпни муқим бурчакдан тепадиган ўйинчи йўқ. Николай Ширшов икки бора бурчакдан тўпни шунчалик ноаниқ тепдики, у ҳеч кимга тегмай, қарши майдон чизиғидан чиқиб кетди. Кейинчалик Шуҳрат Раҳмонқулов, Мухтор Қурбоновлар ҳам бурчакдан тепган тўплари самарасиз бўлди. Бир эсланг-а, 60-йилларда Биродар Абдураимов Киев динамочилари дарвозасига бурчакдан бураб киритган тўпини ўйингоҳга йиғилган 50 мингдан зиёд муҳлисдан ташқари рақиблар устози Валерий Лобановский ҳам ўрнидан туриб, қарсак чалиб, бекорга олқишламаганди-ку! Ёки Миржалол Қосимовнинг бурчакдан тепадиган тўплари рақиб ҳимоячилари учун нақадар хавфли эканлигини яхши биламиз. Шунингдек бугунги кунда терма жамоамизда жарима тўпидан моҳирона фойдаланаоладиган тайин бир ўйинчи йўқ. Яна ўша Миржалол Қосимовнинг рақиблар «девор»ларини четлаб, дарвозага аниқ йўналтира оладиган тўплари ёдга келади. Футболда бурчак тўпи ва жарима тўпидан моҳирона фойдаланиш ғалаба гарови эканлиги ҳеч кимга сир эмаску! Бугунги кунда жамоамиз ўйинчиларида ана шу фазилатлар етишмаяпти. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Ана шу камчиликлар қанчалик тезроқ бартараф этилса, шунчалик яхши бўларди.

Ўзбекистон футболчилари навбатдаги учрашувни ўз майдонларида 25 май куни Камбоджа футболчилари билан ўтказишади. Рақибларимиз унгача 16 майда сафарда Яман терма жамоаси меҳмони бўлишади.

Бугунгача бешинчи гуруҳдаги вазият қуйидагича бўлиб турипти:

Жамоалар	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
Индонезия	3	1	2	0	9-1	5
Яман	3	1	1	1	1-1	4
Ўзбекистон	1	1	0	0	1-0	3
Камбоджа	3	0	1	2	1-10	1

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.*

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 19. 00. Босишга топширилди – 18.00.